



# O'ZBEKISTON OVOZI

## ЎзХДП: Ахборот-маърифат хоналари

### ТАРҒИБОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИДА «ЭЛЕКТОРАТНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ-МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ВА «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТЛАРИ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

(Давоми 2-бетда.)

#### Партияларо баҳс

### ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

сиёсий кучлардан ўз дастурлари ижроси ўлида изчил курашишни талаб этмоқда

Сайловодди вазифалари бажарилмаса, электорат манфаатига хизмат қиладиган амалий ишлар қилинмаса, табиийки, ўша ерда партиёга ишонч сусаяди. «Миллий тикланиш» ДПнинг Термиз туманидаги фаоллари ўз дастурларида белгиланган вазифаларни унутиб қўйганга ўхшайди.

⇒ 2

### ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Истиқлол берган имкониятларни ҳар бир оила тақдири мисолида кўриш мумкин. Таълим соҳасида амалга оширилган улкан ислохотлар туфайли фарзандларимиз замон талаблари даражасидаги мактабларда ўқишмоқда, фанларни пухта ўзлаштириб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашмоқда.

⇒ 2

#### Миллий матбуот марказида

## ОБУНАЧИ УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАР

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН «БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ОБУНА НАРХИНИ ПАСАЙТИРИШ БОРАСИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Маълумки, компания тизимидаги корхоналарда босма нашрларни истеъмолчига тез ва сифатли етказиб бериш ҳамда аҳолига қўшимча хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида «2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармогини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш дастури» қабул қилинган эди. Унга мувофиқ «Матбуот» киоскларининг 404 таси жорий ва 106 таси капитал таъмирланди, аҳоли гавжум жойларга янги дизайндаги 46 та киосклар

жойлаштирилди. Шунингдек, пойтахтимизнинг марказий қўчаларига ўрнатилиши режалаштирилган 80 та янги типдаги киосклардан 25 таси мустақиллик байрами арафасида белгиланган жойларга ўрнатилди.

Айни пайтда республикада 1200 дан ортиқ «Матбуот» киосклари аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Аҳоли гавжум ва атрофда ташкилотлар кўп бўлган жойларда «Матбуот» киосклари орқали 2013 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна қилиш таш-

кил қилинган. Обуна тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қиладиган терминаллар сони яна 150 тага кўпайтирилди. Шунингдек, компаниянинг www.akmt.uz веб-сайтидан фойдаланган ҳолда интернет орқали обуна қилиш ҳам йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, барча тахририятлар компания сайти орқали обунанинг қай тарзда бораётгани буйича он-лайн ҳолатида маълумотларни олиш имкониятига эга. Тезкор маркетинг натижалари ҳар 10 кунда сайтга жойлаштирилади.

2013 йилги обуна каталоги шакллантирилганда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болалар учун мўлжалланган нашрларга имтиёзлар қўлланилмоқда. Шунингдек, бу йилги обуна мавсумида компания оладиган ўз хизмат ҳақини 10 фоизга камайтирган.


Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

## Истиқлол имкониятлари

### ФАРҒОНА: ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТИЛМОҚДА

Истиқлолимизнинг 21 йиллигига бағишланган байрам тантаналари Фарғонада ўзгача ўтди. Асосий тантанананг сўнг вилоятнинг барча шаҳар-туманларидан келган уч мингдан зиёд кексаю-ёш автобусларга ўтириб, дастлаб 14,5 километрлик кичик халқа йўли, сўнгра унинг ичкараси ҳамда шаҳар марказидаги кенг қўламли қурилишлар билан танишди, бу бунёдкорликлар бош меъмори — Юртбошимизга миннатдорлик сўзларини билдиришди.



3-бет

### ТЕННИС МАЛИКАЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИ КОРТЛАРИДА «ТОШКЕНТ ОПЕН — 2012» АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ БОШЛАНДИ. УНДА ДУНЁНИНГ ЙИГИРМАГА ЯҚИН МАМЛАКАТИДАН КЕЛГАН ТЕННИСЧИ ҚИЗЛАР ЯККАЛИК ВА ЖУФТЛИК БЕЛЛАШУВЛАРИДА КУЧ СИНАШМОҚДА.

польшалик Урсула Радванска, россиялик Александра Панова, франциялик Ализе Корнет, сербиялик Бояна Йовановска, словакиялик Магдалена Рибарикова каби таникли теннис усталари иштирок этаётгани турнирга қизиқишни оширмоқда.

«Тошкент опен — 2012» халқаро турнирида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган теннисчимиз Оқғул Омонмуродовадан мухлисларнинг умиди катта. 2005 ва 2009 йилларда «Тошкент опен»нинг финалида қатнашган Оқғул бу гал дастлабки учрашувини руминиялик Ирина-Камелия Бегуга қарши ўтказди.

— Бу йилги мусобақа иштирокчилар таркиби буйича аввалгиларидан анча кучли, — деди О.Омонмуродова. — Барча теннисчилар ўз олдига юксак мақсадларни қўйгани боис ҳеч қайси учрашув натижасини олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Мен ҳам ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли ўйнаб, мухлисларимизни хушнуд этишга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, мусобақада ёш теннисчиларимиз — Сабина Шарипова ва Влада Екшибарова ҳамда тажрибали спортчимиз Влада Екшибарова ҳам қатнашмоқда.

Асосий турнирнинг дастлабки беллашувида икки теннисчимиз — Сабина Шарипова ва Влада Екшибарова ўзаро куч синашди. Унда 6:4, 7:5 ҳисобида Сабина Шарипованинг қўли баланд келди. Голибликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган польшалик Урсула Радванска ҳам испаниялик Мариа-Тереза Торро-Флордан 6:4, 7:5 ҳисобида устун келди. Испаниялик Лара Арруабаррена-Весино эса словакиялик Яна Чепелова устидан 6:1, 6:2 ҳисобида зафар кучди.

Зоҳир ТОШЎҲАЕВ, ЎЗА мухбири



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

Суратда: Влада Екшибарова (Ўзбекистон).

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори теннис ҳам жадал ривожланмоқда. Спортнинг бу тури, айниқса, қизлар ўртасида кенг оммалашаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 апрелда қабул қилинган «Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини

муносиб ҳимоя қиладиган моҳир ракетка усталарини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

«Тошкент опен» — Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимидаги нуфузли турнирлардан бири бўлиб, истеъдодли теннисчиларни кашф қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Жорий йилги мусобақада руминиялик Моника Никулеску, Александра Каданту,

#### «O'zbekiston ovozi» saytida o'qing

SOHIBQIRON IZLARINI IZLAB...

www.uzbekistonovozi.uz







